

6-мавзу: ДАЛА ТАЖРИБАСИНИ ЎТКАЗИШ ШАРОИТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

- 1. Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари.*
- 2. Сабзавотчиликда ўтказиладиган тажрибаларнинг хусусиятлари.*
- 3. Мева ва резаворлар билан тажрибалар ўтказиш.*
- 4. Узумчиликда тажрибалар ўтказиш.*
- 5. Пичанзор ва яйловларда тажрибалар ўтказиш*

1. Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари. Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг асосий хусусиятларидан бири назорат қилиб бўлмайдиган ташқи омилларнинг ҳар хиллиги ва кескин фарқланиши ҳисобланади. Мавсумийлик, дала тажрибасида маълумотларни секинлик билан олиш, метеорологик шароитларнинг йиллар бўйича кескин ўзгарувчанлиги, тупроқ унумдорлигининг ҳар хиллиги, тажриба объекти – ўсимликларнинг ўзига хос мураккаблиги ишончли маълумотларни олишда катта қийинчиликлар туғдиради. Ана шу мураккаб ўзгарувчан табиий шароитлари билан дала тажрибаси бошқа экспериментлардан фарқ қилади. Об-ҳавонинг ҳар хил келиши натижасида бир далада, ҳар йили бир хил агротехника қўллаб битта экиндан ҳар хил миқдорда ҳосил олиш мумкин. Шунинг учун кузатувчи об-ҳаво шароитининг қандай бўлишига катта эътибор бериб, олинган маълумотларни бир-бирига таққослаши зарур. Шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилган дала тажрибаларида олинган маълумотларнинг аниқ бўлиши ва самарадорлиги юқори бўлган вариантларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга тавсия қилиш учун дала тажрибаси натижалари камида икки ёки уч йиллик бўлиши зарур. Назорат қилиб бўлмайдиган омилларни йиллар ва фасллар бўйича кузатилиб, сунгра тажриба натижалари бўйича хулоса қилиниши керак.

2. Сабзавотчиликда ўтказиладиган тажрибаларнинг хусусиятлари. Сабзавотчиликда тажрибалар икки хил шароитда, я'ни очик ва ёпик усулларда олиб борилади. Очик майдондаги етиштириладиган сабзавотлар билан тажрибалар ўтказиш услуби дала экинлариникига ўхшашдир. Ўзига хос томони-сабзавот ўсимликларининг хилма хиллиги ва пайкалчаларни табакалаштириш, ҳосилни йиғиштириш, сифатини баҳолаш билан фарқланади. Бу хилдаги тажрибаларни унумдорлиги текис бўлган

майдонларда ўтказилиши лозим. Хар бир пайкалчада етарлича ўсимликлар бўлиши керак.

Пайкалчаларнинг хисобланадиган майдончаси куйидагича бўлиши тавсия этилади: шолғом, пиёз, сабзи, петрушка, калампир – 5-10 м², бодринг, карам, помидор, боклажон, лавлаги – 10 - 30 м², тарвуз, ковун, ошқовок – 100 - 150 м². Такрорликлар сони 4 та бўлиши ва пайкалчалар энининг бўйига нисбати 1:2, 1:5, 1:10 бўлиши керак. Пайкалчаларни жойлаштириш услуби бошка дала экинлариники сингаридир (бирярусли, икки ярусли, тўрт ярусли). Химояланган, ёпик жойда ўстирилган ўсимликлар билан ўтказиладиган таджикотларда ҳамма шароитлар (ёруғлик, иссиқлик ва бошқалар) бир хил бўлиши муҳимдир. Хисобланадиган пайкалчаларнинг майдони 4-10 м², такрорликлар сони 4-6 та. Пайкалчалар оралиғида химоя зона қолдирилади. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши кузатиб борилади. Хосилдорликни хисоблаш ва йиғиштириш ёппасига ўтказилади. Хосили бир марта йиғиштириладиган экинларнинг (пиёз, илдиз мевалилар ва шу қабилар) хосили ҳамма пайкаллардан бир вақтда йиғиштирилиб олинади. Кўп марта териладиган ўсимликларнинг хосили техник етилган даврда, сифатли қилиб, дағаллашмасдан олдин териб олинади. Умумий хосил товар ва товар бўлмаганларга ажратилиб хисобга олинади. Хар қайси пайкалчадан сабзаётларнинг хосил сифати (ўртача оғирлиги, сакланиши, курук модда, қанд микдори, витаминлар, махсулотнинг таъми ва бошқалар)ни аниқлаш мақсадида намуналар олинади.

3. Мева ва резаворлар билан тажрибалар ўтказиш. Мева ва резавор экинлар билан дала тажрибалари ўтказилганда тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг биологик хусусиятлари билан белгиланади. Улардан энг асосийлари – габитуси, кўп йилликлиги, кенг даражада индивидуал ўзгарувчанлиги. Янги дан ўтказиладиган тажрибалар учун ниҳолларнинг бир хиллигига алоҳида эътибор берилиши керак. Экиладиган ниҳолларнинг ёши ҳамда наводорлик даражаси бўйича бир хил бўлишига эътибор бериш лозим. Сийраклик даражаси бир-биридан 15 % дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак, агротехнологик жараёнлар бир вақтда ўтказилади. Хисобланадиган пайкалчаларнинг майдони куйидагича бўлиши тавсия этилади: мевали дарахтлар – 6-10 дарахт, резаворлар – 10-20 ўсимлик, қрижовник – 40-60 туп, ер тути учун – 10-25 м². Такрорликлар сони 4 та бўлганда тажрибалардан юқори аниқлик олинади. Мева варезаворларнинг хосилдорлиги тўғридан-тўғри йиғиштирилиб хисобланади. Хар бир пайкалчадан мева ёки резаворларнинг сифат кўрсаткичлари (ўртача оғирлиги,

та'ми, пишганлик даражаси, ширалиги, хушбўйлиги, сакланувчанлиги)ни тахлил килиш учун 100 дона ўсимлик намунаси олинади.

4. Узумчиликда дала тажрибалари ўтказилганда экилган ниҳолларнинг сифатига каттае'тибор берилади. Тажрибада агротехнологик жараёнларнинг юкори савияда ўтказилишига алохида э'тибор бериш лозим. Сийраклиги ва бошка навлар ниҳолларининг аралашганлик даражаси 10% дан юкори бўлмаслиги шарт. Тажрибани мақсадга караб 10-20 ёшгача бўлган тоқтупларида кўйиш яхши натижа беради. Хар бир пайкалчада 20-30 туп тоқ бўлиши керак. Тажрибалар 4 такрорликда бўлиши, хар бир вариантга 80-120 хисобланадиган туп, уларнинг майдони 60-100 м² бўлгани ма'кул. Пайкалчанинг шакли чўзинчок холида бўлиб, пайкалчалар орасида 1-2 каторхимоя зонаси колдирилади. Ўсув даврида тоқ тупларининг ўсиши ва ривожланиши кузатиб борилади. Хар кайси пайкалчадан терилган узум бошлари алохида тортилиб хисобланади. Химоя зонасидаги тупларда хосил охирида узилади. Узиш вақтида хар кайси пайкалчадан тахлил килиш учун (ўртача вазни, механик хусусиятлари, канд микдори, кислота даражаси, та'ми) 100 донадан узум бошлари олинади.

5. Пичанзор ва яйловларда дала тажрибаларини ўтказганда, шу зона учун типик хусусиятларга эга бўлган участкани танлаш жуда мухимдир. Тажриба участкасининг ўсимликларига тавсиф бериш учун пайкалда ўсувчи ўсимликлар геоботаник кўрикдан ўтказилади. Бунинг учун танланган участкадаги ўсимликлар тўлик рўйхат килиниб, уларнинг микдори Ременский, Друде ёки хар бир ўсимлик оғирлигининг бир-бирига нисбатан оғирлигини фоиз хисобида аниклаш оркали топилади. Пичанзор ва яйловларда ўтказиладиган тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси, тажрибада кўлланиладиган техникага боғлиқ холда пайкалларнинг майдони танланади. Амалиётнинг кўрсатишича, ишдаги энг яхши кўрсаткичлар 4-6 такрорликда, хисоб майдони 50-100 м² дан кам бўлмаган тажрибаларда олинади. Лекин, тажрибани бир жинсли майдонларда ўтказиш мақсадида хисоб майдонини 4-6 такрорликдаги тажрибаларда 50 ва хатто 25-10 м² гача қисқартириш мумкин. Айрим холатларда эса (тупроқларга кенг габаритли машина ва куруллар билан ишлов бериш тажрибаларида) аксинча, тажриба хисоб майдонини 400-500-1000 м² гача ошириш талаб килинади. Бунда такрорликларни 2 та колдириш мумкин, бироқ хар бир далани 25-50 м

2 ли килиб 2-3 та хисоб майдонига бўлиш керак. Бу хисоб майдончалари бутун тажрибада вомида сакланади. Пичанзор ва яйловларда ўтказиладиган тажрибаларда пайкалчаларни жойлаштиришни илмий текшириш институтлари куйидагича тавсия этади:

1. *Кенгайтирилган загон усули.* Хар бир вариант загон ичига жойлашган бўлади, тажрибамустакил загон ичида ўтказилади. Яйлов ичида 6-8 та загон бўлади. Хар бир загон – яйлов учун бокишга тажриба ўтказиладиган хайвонлар беркитилади: хайвонлар ўтлатилади. Пайкалчанинг майдони бир неча марта кискартирилади.

2. *Бир загон ичига ҳамма вариантларни жойлаштириши усули.* Тажриба ўтказиш учун бирёки бир неча загон олиш мумкин. Хар бир загон ичига ҳамма вариантлар жойлашган бўлади. Бунда бир гуруҳ тажрибага мўлжалланган хайвонлар ажратилади. Бу усулнинг камчилиги– бир вақтда ҳамма вариантларни чорва моллари бокишни талаб килади. Чорва молларини танлашмуҳимдир, айникса, гуруҳда уларнинг сони, тажриба яйловининг майдони ва сонини эʼтиборгаолиш зарур. Резерв учун яйлов ажратиб кўйилиши шарт. Загонлар электр тўсик билан ажратилиб олинади.

Пичанзорларда ва яйловларда тажриба ўтказишда хосил ёппасига йиғиштириш усулида йиғиб олинади. Ўтлар пайкаллар бўйича 6-7 см баландликда касилка ёрдамида (кичик габаритли фронтал мотокасилка билан ўриш кулай) ўриб олинади. Хар бир пайкалчадан олинганпичан тортилади; ботаник тахлилидан ўтказиш учун хар-хар жойдан 0,5 кг атрофида ўртачанамуна олинади.

Хар бир пайкал бўйича ўртача курук ва хавода куритилган ўтларнинг оғирлиги аникланади ва уни бир гектардаги хосилга айлантирилади.

Хавода куритилган ўт хосилини 1 га даги хосилга айлантиришда куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$V = \frac{AD \cdot 100}{VS};$$

бунда, А – ўрилган ўт массаси, кг;

V – пайкалдан олинган намуна боғ массаси, кг;

С – пайкал майдони, м²;

D – куритилгандан кейинги намуна боғ массаси, кг.

Масалан, 250 кг ўт (А) 200 м² пайкалдан (С) ўриб олинди. Бу пайкалдан олинганнамуна боғ оғирлиги (V) 1,2 кг, куритилгандан кейин (D) эса 0,435 кг бўлди. Бунда биргектардаги хосил куйидагича бўлади:

$$V = \frac{250 \cdot 0,435 \cdot 100}{1,2 \cdot 200} = 45,3 \text{ s.}$$

Хосилни 16 % даги стандарт намликка ўтказишда ушбу формуладан фойдаланилади:

$$X = \frac{U(YuO - V)}{100 - 16} = \frac{66 ; (100 - 30)}{84} = 55 \text{ с/га}$$

X – 16 % намликдаги пичан хосили, с/га;

V – намлик ҳисобланмагандаги пичан хосили, с/га;

V – куритилгандан кейинги пичан намлиги, %.

Яйловларнинг хосилини ҳисоблашда икки хил усулдан фойдаланилади:

1. Ўриш усули – чорва молларини бокишдан олдин ҳар жойдан 2,5 м² майдончанинг ўтлари ўрилиб, тортилади, куритилади ва ундан куритиб намлигини аниқлаш учун 1 кг намуна олинади. Хосилдорлик курук ҳолда гектарига айлантрилиб ҳисобланади ёки озика бирлиги ҳисобида ёки протеинга, оксилга айлантриш коэффициенти орқали ҳисобга олинади.

2. Зоотехник баҳо – умумий озика бирлиги бир гектар ҳисобига айлантрилади. Чорва молларини бокиш даврида маҳсулотлар (сут, гўшт, тирик вазн ўсиши, жун ва бошқалар) олишгасарфланган кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, бир кг сут, тирик вазн, гўштга кетган озика бирлиги аниқланади.

Яқуний кўрсаткич бўлиб, яйловдан озика бирлиги ҳисобида олинган ва гектарига айлантрилган хосилдорлик ҳисобланади. Бу кўрсаткич вариантлар бўйича такқосланади. Булардан ташқари, бир қанча қузатишлар олиб борилади.

Саволлар:

1. Дала тажрибасини ўтказиш шароитларининг хусусиятлари?
2. Табиий шароитда ва ёпик майдон шаритида сабзаёт экинларида ўтказиладиган тажрибалар.
3. Мева ва резавор меваларда тажриба ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Узумчиликда ҳисоб майдони қандай бўлади.
5. Пичанзор ва яйловларда тажриба ўтказишнинг ўзига хос томонлари.